



Methods of neomythological representation in Western and Russian novels

Mekhrinoz ALIYEVA¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2024

Received in revised form

10 October 2024

Accepted 25 October 2024

Available online

15 November 2024

Keywords:

mythopoeitics,
artistic representation,
archetype,
world literature,
myth transformation,
transculture,
intellectual novel,
James Joyce,
Ulugbek Khamdam,
Yevgeny Vodolazkin,
myth plots,
literature and mythology.

ABSTRACT

This article examines the creative transformation and artistic embodiment of mythological plots, motifs, and traditions in world literature of the 20th and 21st centuries. The study explores mythopoeitics and its role in literature, focusing on the intercultural significance of mythological symbols in works of art as interpreted through the intellectual creativity of writers. The works of Irish author James Joyce, Uzbek writer Ulugbek Hamdam, and Russian author Evgeny Vodolazkin illustrate the role of myth in the creative process and highlight its aesthetic value in contemporary literature. Furthermore, the interaction between mythology and literature is analyzed from the perspective of the spiritual needs of society.

2181-3701/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss6-pp110-114>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ғарб ва рус романларида неомифологик репрезентация усуллари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Мифопоетика,
бадий репрезентация,
архетип,
жаҳон адабиёти,
миф трансформацияси,
трансмация,
интеллектуал роман,
Жеймс Жойс,

Ушбу мақолада XX–XXI асрлар жаҳон адабиётида мифологик сюжетлар, мотивлар ва аъёналарнинг ижодий ўзгариши ва бадий тимсоли таҳлил қилинади. Мифопоетика ва унинг адабиётдаги ўрни, бадий асарлардаги мифологик тимсолларнинг маданиятлараро маъноси ёзувчининг интеллектуал қобилиятларидан фойдаланган ҳолда текширилади. Ирланд ёзувчиси Жеймс Жойс, ўзбек ёзувчиси Улуғбек Ҳамдам, рус ёзувчиси Евгений

¹ PhD, Associate Professor, Head of the Department of Language Studies, Academic Lyceum of the Ministry of Internal Affairs, Andijan Region, Doctoral Student, Andijan State University.

Улугбек Хамдам,
Евгений Водолазкин,
миф сюжетлари,
адабиёт ва мифология.

Водолазкинлар замонавий асарларда мифнинг ижод жараёнида тутган ўрни, эстетик қийматини кўрсатиб беришади. Ушбу мақолада мифология ва адабиётнинг ўзаро таъсири жамиятнинг маънавий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан талқин этилади.

Методы неомифологической репрезентации в западных и русских романах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Мифопоэтика,
художественное
изображение,
архетип,
мировая литература,
трансформация мифа,
транскультура,
интеллектуальный роман,
Джеймс Джойс,
Улугбек Хамдам,
Евгений Водолазкин,
мифологические сюжеты,
литература и мифология.

В данной статье рассматривается творческое преобразование и художественное воплощение мифологических сюжетов, мотивов и традиций в мировой литературе XX и XXI веков. Авторы анализируют мифопоэтику и ее значимость в литературе, а также межкультурное влияние мифологических символов в художественных произведениях, опираясь на интеллектуальные способности писателей. Примеры творчества ирландского писателя Джеймса Джойса, узбекского писателя Улугбека Хамдама и российского писателя Евгения Водолазкина иллюстрируют важность мифа в творческом процессе и его эстетическую ценность в современной литературе. Статья подчеркивает, как взаимодействие мифологии и литературы отвечает на духовные потребности общества.

КИРИШ

XX–XXI аср оралиғида жаҳон адабиёти ва маданиятининг барча соҳалари тараққиётига янги усул, шаклларнинг кириб келишида фольклор меросининг, айниқса, миф сюжетлари, мотивлари, миф анъаналарининг қайта идрок этилиб, янгича талқин этилиб, инсоният маънавий эҳтиёжлари йўлида хизмат қилиши миф оламига бўлган қизиқишни янада орттирмоқда. Ижодий имкониятлар кенгайиши бадийят соҳасида жанрлар янгиланишига сабаб бўлмоқда. Бу жараён янгидан-янги илмий тадқиқотлар яралишига, мураккаб, тизимли таҳлиллар қўлланилишига туртки бермоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, соҳада амалга ошаётган илмий изланишларнинг долзарблигини кўрсатади. Зеро, инсоният бадий тафаккурининг янада такомиллашуви, ривожланишида муҳим ўрин тутувчи мифларнинг миллий ўзига хос жиҳатларини кенг тарғиб қилиш, ёзувчилар томонидан бадий асарда мифларни трансформация қилиш орқали мифопоэтик матнни яратиш ва мифопоэтик илмий тадқиқни амалга ошириш филология фанининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу адабий-бадий жараённинг моҳияти шундаки, мифологик архетипларни асар концептуал ғоясига олиб кирган адиб ўз асарида маконларни маконларга, замонларни замонларга боғлайди, гўё-ки ҳаёт ибтидоси ва интиҳоси мифлар талқин орқали намоён бўлади. Бадий ғоя мифологик архетип орқали ёритилар экан, китобхон ёзувчи ниятини англашига мифологик билим ва идрок ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бу борада адабиётшунос И. Ғафуровнинг “Тасвирнинг илоҳий булоқлари. Европа олимлари бу каби тушунчаларда асотирий маънолар қидиришиб, асотирий маънолар кўришиб (буни қарангки, биз ишлатаётган **“асотир”** сўзи ҳам Қуръон калимаси бўлиб, у **“асотири аввалин”** деган бирикмада илоҳий матнда бизгача етиб келган), ҳатто бу мифологик ҳодисага **“архетип”** деган тушунча остида баҳо беришган. “Архетип” тушунчасини швейцариялик психоаналитик олим, улуғ мифшунос К.Г.Юнг ишлаб чиққан ва у орқали **илк образлар** чизгиларини назарда тутган, юнон тилидан таржимада бу тушунча **“илк образ”**, деган маънони англатади” [1] деган фикрлари эътиборга молик.

Адабиётшунос Д. Қуронов “Мифопоэтик таҳлил ёки мифопоэтик ёндашув адабий асарда қадимги мифларнинг изларини топиш, унда мифларга хос мотивлар, архетиплар қай йўсин трансформацияланган ҳолда акс этганини кўрсатиб беришни мақсад қилади. Тарихан бундай ёндашув илдизлари XIX аср Ғарб адабиётшунослигида шаклланган мифологик мактабга бориб тақалади. Ушбу мактаб вакиллари адабиётнинг келиб чиқишини мифлар билан боғлаган ҳолда мифни инсон ижодий фаолиятининг асосий омили деб тушунади. Шунинг учун ҳам улар адабиётнинг мифлар, умуман, халқ оғзаки ижоди билан алоқасини ўрганишга айрича эътибор берганлар”, деган таъкидлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади [2].

Жаҳон адабий жараёнида мифларнинг бадиий ижод билан ўзаро боғлиқлиги, уларнинг генезиси ва поэтикасини қўллаш (репрезентация) тамойиллари, бадиий функционалиги масалаларини ўрганиш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. К.Г.Юнг, К. Кереньи, Дж. Кэмпбелл, М. Элиаде каби ҳорижий назариётчилар, А.Ф. Лосев, А.А. Потебня, А.А. Тахо-Годи, О.М. Фрейденберг, Я.Э. Голосовкер, С.С. Аверинцев, Е.М. Мелетинский рус тадқиқотчилари каби рус тадқиқотчилари [3], Б. Саримсоқов, М. Жўраев, Ш. Шомусаров, Ж. Эшонқул каби ўзбек фольклоршунос олимлари [4] ўз тадқиқотларида миф билан боғлиқ турли назарий муаммоларни ўргандилар.

Ушбу соҳага оид тадқиқотлар нафақат миллий дунёқараши бир-бирига яқин бўлган Марказий Осиё халқлари замонавий адабиётида, шу билан бирга жаҳон адабиётида ҳам ижодкорларнинг глобаллик, универсаллик билан ажралиб турадиган ва дунё халқлари маданиятида кенг тарқалган мифологик ривоятлар, сахналар, тасвирларни ифодаловчи мифологемалар (дунё халқлари орасида кенг тарқалган “Одам Ато ва Момо Ҳаво”, “Адам ва Ева”, “ҳаёт дарахти” ҳақидаги ривоятлар каби манбалар) қўллаш маҳоратини, мифларнинг трансмаданий ва типологик вазифаларини, бадиий репрезентацияда мифопоэтик анъана ва жанр поэтикаси ўзига хослиги кесимида ўрганиш, мифопоэтик характерга эга бўлган романларга хос тафаккурнинг ёзувчи концепциясини юзага чиқаришдаги вазифаси айниқса XX–XXI аср оралиғида яратилган романларда намоён бўлмоқда.

Ҳар бир миллий адабиётда юз бераётган бундай бадиий репрезентацион трансмаданий ҳодисалар ёзувчилар ижодий маҳоратини намоён қилишда қўл келмоқда. Агар мифларга мурожаат қилиш, уларга хос мифологик образ, сюжет, яхлитликни бадиий асар поэтикасида синтез қилиш романтизм, модернизм адабиётларига хос жиҳат бўлса, XX–XXI аср оралиғида яратилган романларда намоён бўлган мифлар трансмаданий репрезентацияси постмодернизмнинг ёрқин кўринишидир.

Халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш мифларни этиологик(ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида) ва эсхатологик(охир замон ҳақида) характерга эга эканлигини [5] эътироф этган ҳолда айтишимиз мумкинки, улар илоҳийлик ақидалари ва башарнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларига асосланган.

Эътиборимизни ирланд ёзувчиси Жеймс Жойснинг “Улисс” романига қаратсак. Жеймс Жойснинг “Улисс” романида Гомер “Одессия”си репрезентацияси орқали қаҳрамон онгида “бир кун давомида” кечаётган воқеа-ҳодисалар 4 қисмдан иборат салмоқли 4 китобга жойланган бўлса, бу асло Одессиянинг қайтадан ишланган варианты эмас, балки роман қаҳрамони реклама агенти Леопольд Блумнинг ҳаётидаги бир кун – 1904 йил 16 июнида онгида кечган ақлан тафаккур этган, руҳан изтироб чеккан, аммо ўзидаги исёнини очиқ намоён этолмаган, суюкли хотини Моллининг олдида соат тўртга яқин ўйнаши келишини билган йигитнинг изтиробларининг мифга йўғрилган талқини. Жойснинг бадий маҳорати шундаки, онг бирламчими, ёки материя, яъни реаллик деган минглаб саволларга битта романи билан жавоб беради: Шу кун давомида Леопольд Блум ҳар қачонги ташвиши билан банд бўлади, ўз вазифасини бажаради, ўз вақтида овқатланади, аммо унинг онги соат миллари каби бетизгин ишлайди, соат тўртда ўзининг эркак сифатида мулзам бўлиши азобини тортади. Қаҳрамон онгининг чегарасиз ҳудудлари Гомернинг Одессияси билан қоришиб кетади.

Китобхон романнинг 4-қисмидаги “Ёзувчининг романга тушунтиришлари”ни ўқимасдан туриб асарни тушуниши мушкул. Жойс антик мифга мурожаат этиб, ўз қаҳрамони замонидаги риёга, тартибсизликларга барҳам бермоқчи бўлади, аниқроғи одамлар эртанги кунга ишонган замонга қайтмоқчи бўлади. Эътибор берсак, роман қаҳрамони Леопольд Блум ҳаётидаги воқеа, кўнглини вайрон қилган ҳодиса – хотини Моллининг хиёнати 1904 йил 16 июнида юз бераяпти. Одиссия тарихи эса эрамиздан олдинги VIII – VIIасрга -Эллинизм даврига мансуб. Блум оиласидаги парокандалик жавобини тарихлар оша келган Одиссия тақдиридан излайди.

Фольклоршунос олим Ж. Эшонқул “Мифологиянинг ўзига хос фалсафа эканини тушунмасдан туриб, ундаги рамзларнинг маъно ва моҳиятини очиб бермасдан туриб биз на адабиёт, на санъат эшигига кира оламиз, дея таъкидлар экан,ўз фикрларини “Биз бугун классик адабиётимизни ҳамда дунё адабиётини тушунишимиз учун энг аввало ана шу қатламни ўрганишимиз зарур бўлади. Халқ оғзаки ижодини билмасдан туриб, адабиёт ҳақидаги билимимизни мукамал, дея олмаймиз. Европа, умуман Ғарбдаги ижодий инқилоблар, юксак санъат намунаси ҳисобланган бадий асарларнинг асосида ана шу қадим фалсафа турадики, У. Фолкнер (William Cuthbert Faulkner), Х.Л. Борхес (Jorge Luis Borges), А. Камю (Albert Camus), Ж.П. Сартр (Jean-Paul Charles Aymard Sartre), Ж. Жойс (James Augustine Aloysius Joyce) каби XX аср адабиётининг байроқдорлари бўлган адибларнинг ижоди бунинг исботидир” билан асослайди [6]. Эътибор берсак, ҳар бир адабиётнинг етук романнавислари ўз ижодларида миф трансформациясига мурожаат этганлар.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

XX асрнинг охирига келиб давлатлараро муносабат, жамиятдаги парокандалик, кўплаб қадриятларга путур етиши, инсоннинг инсон сифатида қадрланмаслиги, оилада эр-хотин, ота ва ўғил, она ва қиз муносабатларига путур етиши каби муаммолар бора-бора жамият бадий-эстетик тафаккури сифатида

роман тафаккурига сингдирилар экан, роман замон, макон ва инсон билан мулоқотга киришади. У қайси адабиётга мансуб бўлмасин, жамиятга хос сифатлар романга ташриф буюради.

Инсонларнинг Аллоҳни таниши, Унинг илоҳий китобларига бўлган қизиқиш ҳар бир миллатга хос бўлгани сабабли кўплаб асарларда илоҳий ривоятлар трансформация қилинди. Бундай усуллар ҳам мифопоэтикани юзага чиқарувчи бир омил сифатида талқин этилар экан, инсон руҳиятидаги чалкашликлар, исломий ва насроний тушунчалар жамиятдаги инсонлар ҳаёт тарзи сифатида романлар фабуласига асос бўлади. Худди шундай ҳолни замонавий ўзбек ёзувчиси Улуғбек Хамдамнинг “Исён ва Итоат” романи қаҳрамони Акбар тақдирида ҳам кўришимиз мумкин. Жамиятдан норизолик, ноҳақлик Акбарнинг табиатида исённи келтириб чиқаради. Бу исён унинг учун азиз бўлган қадриятлардан воз кечишига олиб келади. Унда исломий ва насроний тушунчалар қоришиб кетади.

Эътиборимизни замонавий рус ёзувчиси Евгений Водолазкиннинг 2012 йилда нашрдан чиққан “Дафна” (“Лавр”) романига қаратсак.

Улуғбек Хамдам ҳам, Евгений Водолазкин ҳам филология фанлари доктори, ижодий шахс. Шу сабабдан бўлса керак, уларнинг романларида интеллектуал романга хос жиҳатлар улар фалсафий жанрга мансуб дейишимизга тўлиқ асос бўлади.

Евгений Водолазкин Қадимги Русь тарихини, шунингдек ўша давр қадимги рус адабиётини, қадимги рус тилини кенг ўрганган етук мутахассис. Шу билимларини ўзининг “Лавр” ва “Аватор” романлари поэтикасида кенг намоён қилган.

Мифопоэтиканинг ёрқин намунаси сифатида “Лавр” романида трансформация қилинган фабула ўзининг мукамаллиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Кўрсатиб ўтганимиздек, “Лавр” интеллектуал фалсафий роман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ИброҳимҒафуров. Фасоҳат – ифодасанъати. 26.05.2014. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/din/ibro-im-afurov-faso-at-ifoda-sanat/>
2. Қуронов Д. “ЎТГАН КУНЛАР”: МИФОПОЭТИК ТАҲЛИЛ ТАЖРИБАСИ // Филология масалалари. 2015, №4. –б. 10
3. Лосев А.Ф. Диалектика мифа. – М.: Правда, 1990. – (электронная версия книги из Библиотечного Фонда содействия развития психической культуры (Киев)).
4. Найдыш В. М. Философия мифологии. XIX начало XXI В. – М.: изд. Альфа-М, 2004, – 544 с.
5. Фрейдберг О.М. Миф и литература древности. – М.: Восточная литература РАН, 1998. – 800 с.,
6. Н.В. Брагинской. – М.: Лабиринт, 1997. – 448 с., Я.Э. Голосовкер. – М.: Наука, 1987.- 218 с.
7. Стеблин-Каменский М.И. Миф. – М.: Наука, 1976. – 104 с., Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – 406 с
8. Жураев М., Шомусаров Ш. Ўзбекмифологиясига араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 с. Эшонкул Ж. Эпик тафаккуртадрижи. –Т.: Фан, 2006. – 122 с. Ўзбек фольклор шунослиги масалалари. – Т.: Фан, 2018. – 200 б.
9. Мифы народов мира. В 2-х т. Т.2. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 672.
10. Эшонкул Ж. Миф ва бадий тафаккур. – Тошкент, 2019. – с. 15-16.